

ЎзМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз
ACTA NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ 1997 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2022
1/3

Ижтимоий-гуманитар фанлар туркуми

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.
Аширов А.А. – т.ф.д., проф.
Баллиева Р. – т.ф.д., проф.
Маликов А.М. – т.ф.д., проф.
Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.
Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.
Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.
Нишонова О.Ж. – ф.ф.д., проф.
Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.
Мадаева Ш.О. – ф.ф.д, проф.
Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д, проф.
Эргашев И. – ф.ф.д, проф.
Ахмедов Х.А. – с.ф.д.
Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.
Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.
Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.
Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.
Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.
Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.
Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.
Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Атамуратова Д. 1941-1945 йиллар Хоразм матбуотида сиёсий ҳамда ҳарбий-сиёсий масалалар: аҳамияти ва таҳлили 4
Габриелян С. Соперничество шахиншахского и учетно-ссудного банков в Персии в 1912-1914 годы....8
Исматова Н. Мустақилликнинг дастлаб йилларида Ўзбекистонда халқ таълими тизимидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари....12
Мамажонова И. Мустақиллик йиллари нотариат соҳасини тубдан ислоҳ қилиниши ва жамиятда нотариат соҳасининг тутган ўрни 16
Мухамедов Я. Чоч. Ғарбий турк хоқонлигининг маъмурий маркази сифатида....20
Radjabova N. V.V.Krestovskiy va D.N.Logofetlarning kitoblarida Buxorodagi musiqa va raqs san'ati haqida ma'lumotlar 24
Сангирова Д. Ўлчов бирликлари тарихи: анъанавий метрология....27
Сиддиқов Р. Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ва ривожланиши ..31
Тошбоев Ф.,Тугалов Б. Қадимги Уструшона аҳолисининг марҳумни "поклаш" билан боғлиқ дафн маросимлари 35
Усмонов Ф. XX аср 20-30 йилларида Тошкентда болалар қаровсизлиги масаласи (архив материаллари асосида) 39
Худойкулов У. XX аср 50-80-йиллари Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда трактор мутахассис кадрларни тайёрлаш 43
Ҳайдаров Ғ. Хорижий инвестицияларни жалб этишдаги муаммолар ва ечимлар (Фарғона водийси вилоятлари мисолида, 1991-2010 йиллар)....47
Ҳамраев С. Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги элчилик алоқаларини ўрганишда маҳаллий манбаларнинг ўрни....51
Шодиева Ш. Бухорода герман-турк жосуслик фаолияти....55

Фалсафа, Педагогика, Психология, Методика, Социология, Сиёсий фанлар

Агзамходжаева Ш. Исторические источники о философском мировоззрении Навои....58
Адыгезалов А. Узбекско-Азербайджанское взаимодействие в рамках организации тюркских государств ...61
Aydarov E. Ekologik madaniyat, ta'lim-tarbiya berishning nazariy-uslubiy asoslari haqida ayrim mulohazalar....65
Алланазарова И., Абдрашитова И. Анализ перспектив, проблем и путей их решения в методике преподавания биологии в школе....69
Асилбеков Н. Талаба шахсини касбга ўргатишнинг илмий-назарий асослари 72
Аскарова З. Ўзбекистон тасвирий санъатида ижодкор аёллар 75
Axmadjonov O. Elektron madaniyatda shaxs va sun'iy ongni tutgan o'rni borasidagi fikrlar 79
Ахмедов Ж. Ўзбекистонда миллий кулолчилик анъаналари (Риштон кулолчилик мактаби мисолида)....83
Axmedova M., Xusenova N. Ona tili o'qitish metodikasi ta'limi asosida talabalarni nutqiy ko'nikmalarini rivojlantirishda mustaqil ish, sinov-test topshiriqlaridan foydalanish....86
Ганчерёнок И., Жабборов Н., Седнина М. Преподавание на английском языке в вышей школе как эффективный механизм интеллектуальной мобильности 91
Guliyeva E. Theoretical fundamentals on productive speech peculiarities 95
Kalandarova S. The formation of learners competence based on Business English 99
Кенжаев Ш. Совершенствование системы подготовки будущих учителей к нравственному воспитанию учащихся 103
Qudratov S. Innovative approaches and advanced in the development of professional competence of teachers 106
Маджидова Р., Мухитдинова Х. Роль лингвострановедческих мультимедийных средств в преподавании узбекского языка как иностранного....109
Мамадалиев Б. Электрон таълим муҳитида "Электр юритма асослари" фанини ўқитиш мазмуни ва муаммолари....112
Мирзахмедов А., Парпиев И. Талаба – ёшларнинг компьютер тобелиги профилактикасига доир мулоҳазалар....115
Мўминов Х. Масофавий таълим орқали имконияти чекланган талабаларнинг амалий машғулотларини ўтказиш жараёнининг шарт-шароитлари 118
Nasriddinov D. Oliy harbiy ta'lim muassasalarida robotlashgan laboratoriya qurilmalarining o'ziga xosligi va ulardan foydalanish 121
Nafasov M. Onlayn ta'lim va unda mobil ilovalarning roli 124
Nematov L. Texnika oliy ta'lim muassasalarida "Elektrotexnika va elektronika" fanini o'qitish jarayonining samaradorligini oshirish 128
Отақулов Ш. Гендер тенгликка амал қилиш сиёсатининг асосий тенденциялари....131
Pardaboyev O'. Kredit-modul tizimini talim jarayoniga qo'llashning o'ziga xosligi....135
Ражабов Ҳ. Глобал ахборотлашув ва ахборот сиёсатига янгича қарашлар талқини....138
Raxmanova M., Meyliyeva M. Uzluksiz ta'lim tizimida o'quvchi-yoshlar ijtimoiy faolligini tarbiyalashning ilmiy pedagogik asoslari 141
Raxmanqulov F. Talabalarda web-dizayn kompetentlikni rivojlantirishning metodik ta'minoti 145
Сагатова Ш. Психологияда болалар церебрал фалажи муаммосининг ўрганилиши таҳлили 149

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УДК:37.001.76(575.1)"1991/2016"

Равшан СИДДИҚОВ,
ЎзМУ доценти, т.ф.н.
E-mail:ravsidd@mail.ru

Ўзбекистон ФА Тарих институти илмий ходими, т.ф.н. Ш.Эргашев тақризи асосида

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлашда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ва ривожланиши жараёнлари ёритилган ҳамда бу соҳада фаолият юритган жамғармаларни ва Ўзбекистонда ташкил қилинган хорижий етакчи олий ўқув юртларини филиалларини замон талабига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашдаги имтироки кўрсатилган. Шунингдек илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда хорижий олий ўқув юртлари билан илмий-тадқиқотларни олиб боришдаги ҳамкорлик акс эттирилган.

Калит сўзлари: Олий таълим, ислоҳот, миллий дастур, халқаро ҳамкорлик, жамғармалар, хорижий филиаллар, кадрлар тайёрлаш, таълим сифати, илмий тадқикот.

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА.

Аннотация

В статье освещаются процессы становление и развития международного сотрудничества в реформировании системы высшего образования и подготовке высококвалифицированных кадров в Республике Узбекистан, а также участие фондов действующих в этой сфере и филиалов зарубежных ведущих высших учебных заведений, созданных в Узбекистане, в подготовке кадров отвечающих современным требованиям. Показана сотрудничество в подготовке и повышений квалификации научно-педагогических кадров, а также в проведении научных исследований с зарубежными университетами.

Ключевые слова: Высшее образование, реформа, , национальная программа, международное сотрудничество , фонды, зарубежные филиалы, подготовка кадров, качество образованиянаучные исследования.

FORMATION AND DEVELOPMENT OF INTERNATIONAL COOPERATION IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN.

Annotation.

The article highlights the processes of formation and development of international cooperation in the reform of the higher education system and the training of highly qualified personnel in the Republic of Uzbekistan, as well as the participation of foundations operating in this field and branches of leading foreign higher education institutions established in Uzbekistan in training personnel meeting modern requirements. Shown cooperation in the training and advanced training of scientific and pedagogical personnel, as well as in conducting scientific research with foreign universities.

Key words: Higher education, reform, national program, international cooperation ,funds, foreign branches, personnel training, quality of education, scientific research.

Кириш. Мустақилликни дастлабки кунидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида турли мамлакатлар, халқаро ваколатхоналар ва нодавлат ташкилотлари билан кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиб, ривожлантириб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисидаги" қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига таянган ҳолда олий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилди, унинг устувор йўналишлари бўйича лойиҳалар амалга оширилди, қўшма таълим тузилмалари ва хорижий олий ўқув юртлари филиаллари ўз фаолиятини бошлади, илмий-педагогик кадрлар, талабалар алмашинуви йўлга қўйилди. Халқаро ташкилотлар билан олий таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича яқин ҳамкорлик бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Мавзуга оид адабиётларни таҳлили. Мустақиллик йилларида олимлар томонидан Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Ушбу мавзунинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга бағишланган бир нечта рисола ва мақолалар ёзилди. Шулар жумласига Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, Ж.Аллаев, Э.Нуриддинов, Ж.Худайкулова, С.Каримбеков, Д.Васиева, Р.Сиддиқов ва бошқаларнинг олий таълимни ислоҳ қилишни долзарб масалаларини тадқиқ этган илмий ишларни киритиш мумкин.

Тадқиқот методологияси (Research methodology). Мақолада Ўзбекистонда олий таълим ислоҳотларини амалга оширишда хорижий ҳамкорликни ёритишда тизимлаштириш, таҳлил ва таснифлаш, фактлар ҳамда хулосаларни қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, тарихийлик ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ислоҳ

қилишда ва юқори малакали кадрларни тайёрлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хорижий тажрибадан кенг фойдаланишга катта эътибор берилди. Шу мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов фармонига биноан ташкил қилинган “Умид” ва “Устоз” жамғармалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга ўзларининг маълум ҳиссаларини қўшдилар. 1997 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда “Умид” жамғармаси гранглари асосида жами 828 нафар талаба ёшлар чет мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида бакалавриат ва магистратурасининг турли йўналиш ва мутахассисликларида замонавий ҳамда эҳтиёж талаб соҳалар бўйича таълим олдилар (АҚШда 343 нафар, Буюк Британияда 329 нафар, Германияда 84 нафар, Францияда 33 нафар, Японияда 20 нафар, Канадада 11 нафар, Италияда 8 нафар талаба ёшлар тахсил олди). “Устоз” жамғармаси орқали 1997 -2003 йилларда мамлакат олий ўқув юртларининг 935 нафар профессор-ўқитувчилари дунёнинг ривожланган давлатлари университетлари ва илмий марказларида малака оширдилар [1].

2003 йил 1 июлидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ “Умид” ва “Устоз” жамғармалари бирлаштирилиб, “Истеъдод жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага ёш иқтидорли педагогик кадрларни танлов орқали аниқлаб, етакчи чет эл илмий марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида уларни интелектуал салоҳиятини янада юксалтириш вазифаси юкланди [2].

Жамғарма кўмагида республика таълим муассасаларига халқаро миқёсда тан олинган олий ўқув юртларининг етакчи профессорлари таклиф этилиб, таълимнинг устувор йўналишлари бўйича маърузалар ўқилди, хорижда малака ошириш ва ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш учун истиқболли ўқитувчиларни танлаб олинди. “Истеъдод” жамғармаси томонидан қисқа давр ичида маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари иштирокида ишлаб чиқаришга университет илм-фан ва таълимини интеграция лойиҳалари учун мўлжалланган умумий қиймати 1.5млн. евро миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилинди [3]. Ўтган давр мобайнида 10100 дан ортиқ педагог ва илмий кадрлар жамғарманинг кундузги мақсадли курсларида қайта тайёрландилар. “Истеъдод” жамғармаси гранглари шарофати билан 800 нафардан ошиқ ёш педагог ва илмий ходимлар чет элда ўз малакаларини оширишга мувофақ бўлдилар [4].

Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро алоқалар жадал ривожланди. Талабаларнинг мобиллиги бир нечта халқаро дастурларнинг кўмагида Erasmus + Европа Иттифоқи, Fulbright Student АҚШ, (DAAD) Германия, Chievening Program Буюк Британия, ҳамда яна бир қанча (JICA) Япония, (Koica) Жанубий Корея, Франция, Хитой, Испания, Россия Федерацияси ҳукуматлари томонидан молияланттирилган дастурлар асосида амалга оширилди. Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги таълимни ислоҳ қилишдаги ҳамкорлик 1994 йилдан бошлаб Tempus Tacis лойиҳалари асосида йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда олий таълимни модернизациялашда 80 дан ортиқ Tacis (Technical Assistance for the Commonwealth of independent States) лойиҳалари амалга оширилди. Tempus (Trans-European Mobility Programed) лойиҳаларида барча вилоятлардан 55 та олий ўқув юртлари иштирок этди [5].

Кўриб чиқилаётган даврда 20 дан ортиқ ташкилот Ўзбекистон таълим соҳасига ташқи ёрдам кўрсатди. Энг йирик донор Япония халқаро ҳамкорлик банки бўлиб, унинг ташқи ёрдам умумий ҳажмидаги улуши 61,6% ни ташкил етди. Иккинчи йирик донор Осиё тараққиёт банки (25.3%), Япония ҳукумати (3.2%), Ҳиндистон ҳукумати (2.1%), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси (1.6%), KFW банк гуруҳи (Германия тараққиёт банки), Европа комиссияси дастури (TEMPUS) ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳисобланади [6].

Кенг кўламли халқаро ҳамкорлик таълим жараёни сифатини ва ўқитувчилар малакасини оширишга салмоқли ҳисса қўшди. “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ олий ўқув юртлари хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қўшма олий ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Хитой Халқ Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида 8 ноябр 1999 йилда имзоланган шартномага мувофиқ ҳар йили талабалар, аспирант ва ўқитувчилар Хитой Халқ Республикасининг нуфузли университетларига стажировка ўташ учун юборилди. 2005 йилда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳамда Хитойнинг Ланьчжоу университети ҳамкорлигида ташкил қилинган Тошкентдаги Конфуций номидаги Хитой тили ва маданияти институтида ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олмоқда. Институт ташкил қилинганидан буён курсларда 2,5 мингдан зиёд талаба ёшлар, илмий ходимлар ва тижоратчилар хитой тили ва маданиятини ўргандилар [7].

Ўзбекистонда Хитой тили ва маданиятига бўлган катта қизиқишни инобатга олган ҳолда Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи доирасида Самарқандда яна бир Конфуций институтини ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. 2014 йилнинг декабрь ойида институт дастлабки тингловчиларни қабул қилди. Ушбу масканда юқори малакали педагоглар замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда хитой тилини ёшларга ўргатмоқдалар [8].

Мустақилликни дастабки чорагида Ўзбекистонда 6 та хорижий университетларнинг филиаллари ташкил қилинди. Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академияси, Вестминстер халқаро университети (Буюкбритания), Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Губкин номидаги Россия Давлат нефт ва газ университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин Политехника институти (Италия). Уларнинг фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва фармойишлари билан белгиланди.

Даставвал Ўзбекистонда Россиянинг бир қанча университетларининг филиаллари ўз фаолиятини бошладилар. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Тошкентдаги филиали 1995 йилда биринчи талабаларни ўқишга қабул қилди. У ўз фаолияти давомида Ўзбекистондаги таълим хизматлари бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади. Плеханов РЭА филиалининг асосий фаолияти олий маълумотли юқори малакали иқтисодчиларни тайёрлаш ва илмий-тадқиқот олиб боришга қаратилди. Филиал битирувчилари Г. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг битирув дипломига эга бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат бўлиб, дунёнинг етакчи университетлари мутахассислари томонидан тан олинган, ЮНЕСКО комиссияси ва Болония Конвенцияси томонидан тасдиқланган. 2000 йилда ушбу университет дипломи халқаро миқёсда эътироф этилди. Филиал ўз фаолияти давомида (1995 йилдан бери) 3826 дан ортиқ битирувчиларни, шу жумладан 2,9 мингдан ортиқ бакалавр ва 800 дан ортиқ магистрларни тайёрлади.

Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт университети Филиалда Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда Россия Федерацияси, Хитой, Жанубий Корея, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Афғонистон, Исроил, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Туркманистонлик талабалар ҳам таҳсил олдилар ва университет қисқа давр ичида халқаро ўқув марказига айланди. Шунингдек университетда халқаро стандартларга мос электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилди [9]. 2006 сентябр ойида Тошкентда Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг филиали ўз ишини бошлади. Энг нуфузли Россия университетини очилиши олий малакали кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтидорли ёшлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилди. МДУ филиалида икки йўналишда, яъни амалий математика ва информатика ҳамда психология соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрланди. Филиалда замонавий дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланган ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатди. Шунингдек ахборот-ресурс марказида Москва Давлат университети профессор-ўқитувчилари дарсларида суратга олинган видео маърузалар мавжуд бўлиб, улардан дарсдан ташқари вақтларда талабалар кенг фойдаланишига имконият яратилди [10].

Губкин номидаги Россия Давлат нефт ва газ университетининг Тошкентдаги филиали 2007 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 2007-2008 ўқув йилида филиалда қуйидаги мутахассисликлар бўйича 105 нафар талаба қабул қилинди: нефт ва газ қудуқларини бурғилаш, фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари. Талабаларнинг ярмидан кўпи, асосан, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан қабул қилинди [11].

Филиал замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер ва бошқа техника билан жиҳозланди. Ахборот-ресурс марказида 100 минг дона китоб, 4 мингдан ортиқ электрон китоб, 38 компютерлаштирилган ахборот ресурсларидан фойдаланиш жойлари ташкил қилинди. Филиалнинг ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари, илм-фаннинг сўнгги ютуқлари жорий этилди. Машғулотларни ўзбекистонлик ва россиялик профессор-ўқитувчилар ҳамкорликда олиб бордилар. Давлат грантлари асосида таҳсил олган Тошкент филиали битирувчилари Ўзбекистон нефт ва газ саноати корхоналарида камида 3 йил ишлаш шарти билан ишга тақсимландилар. Талабаларнинг 40% якини давлат грантлари асосида таҳсил олди [12].

Бугунги кунда 2002 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Тошкентдаги халқаро Вестминстер университетини ҳақли равишда Марказий Осиёдаги етакчи университет деб айтиш мумкин. Университет халқаро стандартлар талабларига мувофиқ юқори сифатли олий таълимни таклиф этади. Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети битирувчиларининг дипломлари Лондондаги Вестминстер университети билан бир хил ва халқаро мақомга эга. Университетда бакалавр тайёрлаш тўрт йўналишда олиб борилади: бизнес бошқаруви, иқтисодиёт, тижорат ҳуқуқи ва бизнесда ахборот технологиялари. 2006 йилдан бошлаб университетда халқаро бизнес ва менежмент мутахассислиги бўйича магистратура фаолият юрита бошлади. Магистратурада нафақат Ўзбекистон, балки АҚШ, Германия ва Эрон вакиллари ҳам таҳсил олди. Тошкентдаги халқаро Вестминстер университетида илк бор билимларни баҳолашнинг кредит тизими жорий этилди. Университетни дастлабки ўн йиллик фаолияти давомида 1000 та юқори малакали мутахассис тайёрланди [13].

2008 йил сентябр ойида Сингапур менежментни ривожлантириш институти Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ўзининг филиалини очди. Қисқа давр ичида бутун Марказий Осиёдаги нуфузли олий ўқув маскани сифатида танилди ва атрофдаги мамлакатлардан ҳам кўплаб талабалар ушбу филиалда олий маълумотли бўлдилар.Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти тадбиркорлик ва менежмент, бизнес ва маркетинг, банк-молия, бизнесда замонавий ахборот технологиялари, шунингдек туризм йўналишлари бўйича олий малакали кадрлар тайёрлашга киришди. Талабаларнинг умумий ҳисоби дастлабки йилда 274 нафарни ташкил этган бўлиб, улар 6 йўналишда таълим олдилар. 2016 йилгача Институт битирувчилари сони 1503 нафарни ташкил этди [14].

Турин Политехника университети Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг қарорига биноан 2009 йилда Тошкентда ўз фаолиятини бошлади. Ушбу университет нафақат Италияда балки Европадаги энг юқори салоҳиятга эга ўқув масканларидан бўлиб, асосан, саноатни турли соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлайди. Турин Политехника университети машинасозлик технологияси, автомобилсозлик, энергетика, саноат ва фуқаро муҳандислик, меъморий ва саноат дизайни, саноатда ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари соҳалари ҳамда барча даражадаги мутахассислар тайёрлаш, илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш шу жумладан, илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш йўлга қўйилди. 2009-2010 ўқув йили учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича университетга қабул квотаси 200 нафарни ташкил этди. Ҳозирги кунда университетда 1700 якин талаба таҳсил олмоқда [15].

Хулоса ва таклифлар (Conclusion and recommendations). Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда олий таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Хорижий олий ўқув юртлари билан биргаликда ташкил қилинган университетлар филиалларида юқори малакали кадрлар тайёрлашга киришилди. Европа иттифоқини ТАСИС ТЕМПУС дастурлари асосида талабалар алмашуви педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш йўлга қўйилди. Ўтган давр давомида тўпланган тажрибадан бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълимни янада ривожлантиришда самарали фойдаланилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январь, ПФ-1694-сон Фармони “Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармасини тузиш” тўғрисида https: //lex.uz/ ru/docs/ 168039., Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрь, 576-сон қарори. “Устоз” Республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида. https://www.lex.uz/uz/docs/589172., Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Истеъдод”жамғармаси жорий архиви 1997-2003йил маълумотлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги ПФ-3272-сонли “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони / http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lactid=484629
3. Манба: www.gazeta.uz/2011/08/04/istedod/
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви 2013 йил маълумотлари.
5. Узбекистан. Обзор системы высшего образование. Февраль 2016 г. Erasmus+.http://eacea.ec.europa.eu/ education/ Eurydice/eurypedia_en..php.C.36-38
6. Доклад о человеческом развитии // Ташкент - 2007-2008 г. – С. 153-155.
7. Узбекско-китайские отношения http://www.mfa.uz/ru/cooperation/ countries/61/
8. ВСамарканде открыли институт Конфуция.www.12news.uz/news/ 2014/12/
9. Манба: https://tashkent.rea.ru /
10. Манба: http.msu.uz
11. Манба:https://www.gubkin.uz/
12. Манба:https://www.gubkin.ru/departaments/international_activity/zarubezhnye-filialy.php?clear_cache=Y
13. Манба: https://www.wiut.uz/ ,https://www.wiut.uz/our-university
14. Манба:https://kun.uz/news/2016/10/26/singapur-menezmentni-rivozlantiris-institutida-tantanali-bitiruv-marosimi-utkazildi
15. Манба: https://polito.uz/ru/7617-2/ О Туринском политехническом университете в Ташкенте